

“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Тўрақўрғон туман Камбағалликни  
қисқартириш ва бандликка  
қўмаклашиш бўлим бошлиғи  
Ш.Собиров



“ 03 ” май 2023 йил

Туман Камбағалликни қисқартириш ва бандликка қўмаклашиш бўлими  
**Й И Ғ И Л И Ш Б А Ё Н И**

Тўрақўрғон шаҳри

№ 3

“ 03 ” май 2023 йил

Йиғилиш раиси:

Бўлим бошлиғи Ш.Собиров

Қатнашдилар:

Бўлим бошлиқлари ва барча мутахассислар

**КУН ТАР Т И Б И Д А Г И М А С А Л А :**

- 1. Ходимлар томонидан ижро интизомига риоя қилишлари, коррупцияни олдини олиш масалалари.**

Йиғилишни бўлим бошлиғи Ш.Собиров очиб, ходимлар томонидан иш фаолияти давомида хизмат вазифаларини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига риоя қилган ҳолда олиб боришларини, шунингдек, муносабатларда одоб-ахлоқ қоидаларига сўзсиз риоя қилишларини, ички меҳнат тартиб қоидаларига ва ижро интизомига риоя қилишни, хизмат бурчларини виждонан ва ваколат доирасидан четга чиқмаган ҳолда бажаришларини, мансаб ваколатларини суистеъмол қилмасликни ўз зиммаларига олишларини, фидойи, ҳалол ва қатъиятли бўлишларини.

Шунингдек, фуқароларни ҳуқуқ ва қонуний манфатларини чеклаш шу каби, бошқа ҳар қандай ноҳўя ҳатти-ҳаракат(ҳаракатсизлик)ларни содир этилишига йўл қўймасликни.

Шу каби, фуқаролардан турли хил ноқонуний “хизмат”ларни талаб қилмасликни.

Хизмат бурчларини бажараётган вақтларида хизмат лавозимидан фойдаланиб, моддий манфаат кўриш эвазига **пора олмасликни**, раҳбарият томонидан берилган топшириқ ва вазифаларни ўз вақтида виждонан бажаришларини, ахлоқий нормалардан четга чиқмасликни.

Агарда, хизмат фаолиятлари давомида ходимга нисбатан **пул ёки моддий қийматликлар** ёхуд бошқа турдаги ноқонуний хизматлар таклиф этилганда тегишли тартибда бўлим бошлиғига бош бошқармага, туман раҳбарияти ва “Комплаенс назорат” ходимларини ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор қилишларини.

Бундан ташқари ходимга юклатилган вазифалар талаб даражасида бажарилмаса, ходим томонидан юқоридаги талабларга риоя қилинмаган

тақдирда, қонунчиликда белгиланган тартибда жазо чоралари кўрилиши ҳамда ходим билан тузилган меҳнат шартномасини қонунчиликда белгиланган тартибда бекор қилишгача бўлган чоралар кўрилишини тақидлаб ўтди.

Ушбу тушунтиришлар юзасидан ҳар бир ходим кафолат хатлари ёзиб кадрлар бўлимига топширишини маълум қилди.

**Шу билан бирга Ш.Собиров сўз давомида тартиб интизом масаласи бўйича барча ходимлар бўлимга ўз вақтида иш жойига етиб келиши, йўналишлар бўйича топшириқларни олиб кейин сектор ва ҳудудларда иш ташкил этиши лозимлигини.**

Ходимлар иш вақтида сабабсиз иш жойларида бўлмаган вақтларида интизомий жазо чораси қўлланишини билдирди.

**Давлат меҳнат ҳуқуқ инспектори Б.Т.Гаиповга сўз берилганида**

Меҳнат кодексининг 300-моддасида интизомий жавобгарлик ходим томонидан интизомий қилмиш (ушбу Кодекс 301-моддасининг иккинчи қисми) содир этилганлиги учун юзага келадиган ва ушбу ходимга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилишида ифодаланадиган юридик жавобгарликдир.

Интизомий жавобгарликнинг турлари умумий ва махсус интизомий жавобгарликдан иборатлигини, умумий интизомий жавобгарлик ушбу Кодекс ва ички меҳнат тартиби қоидалари билан тартибга солинадиган жавобгарлик бўлиб, у ходимга нисбатан ушбу Кодекснинг 312-моддасида назарда тутилган интизомий жазо чораларидан бирини қўллашдан иборат ва барча ходимларга нисбатан татбиқ этилишини.

Шу билан бирга, кодекснинг 301-моддасида Ходим томонидан интизомий қилмиш содир этилиши ходимни интизомий жавобгарликка тортиш учун асос бўлишини. Интизомий қилмиш деганда ходим томонидан ўз меҳнат мажбуриятларини айбли тарзда, ғайриқонуний равишда бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги (меҳнат (лавозим) мажбуриятларининг бузилиши) тушунилиши, бундан ташқари **Кодекснинг 312-моддаси Интизомий жазо чоралари** Меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи ходимга қуйидаги интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақлилиги яъни: 1) ҳайфсан; 2) ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима. Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима солиниши ҳоллари назарда тутилиши мумкинлиги. Ходимнинг иш ҳақидан жаримани ушлаб қолиш иш берувчи томонидан ушбу Кодекснинг 269 ва 270-моддалари талабларига риоя этган ҳолда амалга оширилишини; 3) меҳнат шартномасини бекор қилиш (ушбу Кодекс 161-моддаси иккинчи қисмининг 4 ва 5-бандлари) да кўрсатилганини.

**Шунингдек, Кодекснинг 313-моддасида** Интизомий жазо чоралари ишга қабул қилиш ҳуқуқи берилган шахслар (органлар) томонидан қўлланилишини, иш берувчи ходимдан интизомий жазо чораси қўлланилгунига қадар ёзма тушунтиришни талаб қилиши, шу жумладан, агар интизомий қилмиш хизмат текшируви натижаларига кўра аниқланган бўлса, талаб қилиши шартлигини. Ходимнинг ёзма тушунтириш тақдим этишни рад этганлиги интизомий жазо чораси қўлланилиши учун монелик қилмайди ва ҳозир бўлган гувоҳлар кўрсатилган ҳолда далолатнома билан расмийлаштирилишини сўзлаб ўтди.

Шу билан бирга, **Жиноят кодексининг 210-моддаси. Пора олиш**, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда

содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкӣ манфаатдор бўлиши - жиноий жавобгарликка сабаб бўлишини.

**211-моддаси Пора бериш**, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали **моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкӣ манфаатдор этиш** - жиноий жавобгарликка сабаб бўлишини.

Башарти, шахсга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда **30 сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса**, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очиқда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилиши ни тушунтириб ўтди.

**Еғилиш давомида бўлимнинг касаба уюшмаси раиси У.Сафаров** сўзга чиқиб юқорида тақидлаб ўтилган ички меҳнат тартиб қоидаларига ижро интизомга амал қилишга, коррупцияга йўл қўймасликка уни олдини олишга хар бир ходим ўзи ва атрофидагиларга, қўл остидаги ходимларга тарғибот ишларини олиб боришга чақирди.

Кун тартибидаги масалаларни атрофлича муҳокама қилиниб, йиғилиш

### **Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**


1. Бўлим бошлиғи Ш.Собиров ва бошқаларнинг маърузаси маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Коррупция ҳолатларига йўл қўймаслик, коррупцияни олдини олиш, ички меҳнат тартиб қоидаларига ижро интизомига риоя қилиниши хар бир ходим ўзи маъсул деб белгилансин.

3. Коррупция ҳолатларига йўл қўймаслик, коррупцияни олдини олиш бўйича хар бир ходим огохлантирилганлиги тўғрисида 1 кун муддат ичида 2023 йил 4 майга қадар қафолат хатлари олинсин - маъсул К. Охунжонова.

4. Мазкур қарор ижроси устидан назоратни ўз зиммамда қолдираман.

Баёнлаштирди:



К.Охунжонова

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Норин тумани камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими бошлиғи

В.Нуралиев

«30» май 2023 йил

Норин тумани Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими тизимида фаолият юритаётган раҳбар - ходимларнинг ҳуқуқий онги, ва маданиятини ошириш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакиллантириш коррупцияни олдини олиш юзасидан ўтказилган йиғилиш

### БАЁНИ

2023 йил «    » май  
Йиғилиш раиси:

Норин тумани

В.Нуралиев - Норин тумани  
камбағалликни қисқартириш ва бандлик  
бўлими бошлиғи

Катнашдилар:

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик  
бўлими барча ходимлари, МФЙ раислари  
57 нафар, хоким ёрдамчилари жами 130  
нафар

### КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛА:

1. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик Вазирлигининг 2023 йил 27 апрел кунги 01/00-03/20-2923-сонли хати асосида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими тизимида фаолият юритаётган раҳбар - ходимларнинг ҳуқуқий онги, ва маданиятини ошириш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакиллантириш коррупцияни олдини олиш тўғрисида

(В.Нуралиев, Қ.Умаров, В.Нуралиев)

Йиғилишни Норин тумани камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими бошлиғи В.Нуралиев очди ва олиб борди. В.Нуралиев ўз сўзида Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик Вазирлигининг 2023 йил 27 апрел кунги 01/00-03/20-2923-сонли хатида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими тизимида фаолият юритаётган раҳбар - ходимларнинг ҳуқуқий онги, ва маданиятини ошириш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакиллантириш тўғрисида гапирди.

Шунингдек, жорий йилнинг 3 апрел куни Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар аҳоли бандлигига кўмаклашиш директори ёшларни касбга ўқитиш билан

шуғилланувчи МЧЖ раҳбаридан унинг ўқув марказида тахсил олаётганларнинг дарсларга қатнашиш ҳолатини мониторинг қилмаслик ва МЧЖ фаолияти бўйича текширув ўтказмаслик эвазига 300 АҚШ доллар талаб қилиб, 1, 4 минг сўмни ўз хизмат хонасида олаётган вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан ушланган. Жорий йилнинг 5 апрел куни Жиззах вилояти бандлик бош бошқармасида маъсул лавозимда ишлаган Мирзачўл тумани касб-хунар марказида тегишли мутахассислик сертификатини сохталаштирган ҳолда 400 АҚШ долларга сотмоқчи бўлиб, олдиндан фуқарога 1,1 минг сўмини олаётган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан ушланган. Жорий йилнинг 12 апрел куни Яккабоғ туманидаги маҳаллалардан бирида ҳоким ёрдамчиси лавозимида ишловчи шахс ўзи норасмий раҳбарлик қилувчи 2 та МЧЖ га қурилиш материаллари сотиб олиш бўйича банкдан ажратилган 1,7 млрд сўмли имтиёзли кредит маблағларини бошқалар билан жиноий тил бириктириб, ўзлаштириш йўли билан талон-тароғ қилганлиги ҳолатини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан аниқланган. Шахрисабз туманидаги Қўшчинор МФЙ фуқароси ўзи фойдаланиб келаётган 5 гектар ер майдони аукцион савдоларга чиқиб кетганлигидан хабардор бўлиб, унга ушбу ер майдонининг 50 сотихини ўзига қолдириб бериши эвазига Қўшчинор МФЙ ҳоким ёрдамчиси 500 АҚШ доллар олган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан ушланганлиги гапириб ўтди.

Йиғилишда Нурунийлар жамоатчилиқ кенгаши раиси Қ.Умаров юқоридаги ҳолатларни олдини олиш бўйича ўзининг фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Йиғилиш раиси В.Нуралиев сўз олиб, Норин туманида ушбу ҳолатларга йўл қўйилмаслиги, юқоридаги ҳолатларни олдини олиш бўйича қаттиқ назоратга олиниши бўйича вазифалар белгилаб берилди.

Юқоридаги масалаларни муҳокама этиб, йиғилиш

### Қ А Р О Р    Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик Вазирлигининг 2023 йил 27 апрел кунги 01/00-03/20-2923-сонли хати асос қилиб олинсин.

2. Бўлим бошлиғининг ўринбосарларига:

- камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими тизимида фаолият юритаётган раҳбар - ходимларнинг ҳуқуқий онги, ва маданиятини ошириш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакиллантириш юзасидан тушунтириш ишлари олиб бориш ҳамда қафолат хатлари олинсин.

- тумандаги МФЙ раислари ва ҳоким ёрдамчиларидан маҳаллада коррупцияга йўл қўйилмаслик ҳолатларини олдини олиш мақсадида коррупциявий ҳолатларга қарши қафолат хатлари олиш топширилсин.

3.. Ушбу қарорни бажарилишини ўз зиммамда қолдираман.

Йиғилишни баёнлаштирувчи:



Г.Дехқонова



SHOT ON REDMI 7  
AI DUAL CAMERA



SHOT ON REDMI 7  
AI DUAL CAMERA



SHOT ON REDMI 7  
AI DUAL CAMERA